
ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага 76 йил тўлди. Бу урушда мардонавор курашиб, ғалаба ва шараф билан қайтган отахону- онахонларимиз бугун табаррук ёшда, эл-у юрт ардоғидалар. Улар орасида Риштон туманида истиқомат қилувчи 3 нафар фахрийлар - А. Азизов, А. Тожибоев, М. Сулаймоновлар ҳам бор.

Бугун вилоят ҳокими ўринбосари Ф. Қосимов, туман ҳокими С. Солиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси туман бўлими мудирлари С. Додобоев, туман ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари, туман жамоатчилиги вакиллари ана шу нуруний уруш қатнашчиси ҳолидан хабар олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриги ва совғаси ҳамда Президент Фармони билан берилган 12 млн.сўм пул мукофотини топширдилар.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган бу отахонлар билан барча риштонликлар фахрланади. Пиру бадавлат отахонларимиз айна вақтда кексалик гаштини суриб, фарзандлари, набираю чеваралари ардоғида ҳаёт кечиришмоқда.

Иккинчи Жаҳон уруши иштирокчилари бўлган отахонларимиз билдирилган эътибор ва ҳурмат учун самимий миннатдорлик билдиришиб, давлатимиз раҳбарининг юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларига муваффақият тилаб дуо қилдилар.

2021-05-05 17:29:05